Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 26 декабрь, сешанба. №156. (21.919). Сотувда эркин нархда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КЕНГАШ

25 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йил якунлари муҳокамасига тайёргарлик ва келгуси йил режаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн ва корпорациялар, идоралар, уюшма ва бирлашмалар, республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Президент жорий йил якунларини атрофлича таҳлил қилар экан, иқтисодий ислоҳотлар республикамиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларига чуқур кириб бораётганини қайд этди. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Кириб келаётган йилда бу янгиланишларни изчил давом эттирмоқ ва ҳар томонлама мустаҳкамламоқ зарур. Бунинг учун эса мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини одамлар онгига чуқурроқ сингдириш, уларда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Бу оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Афсуски, деб таъкидланди кенгашда, телевидение ва радио, матбуот бу борада давр талабидан орқада қолмоқда. Ўзгаришлар жараёнини теран таҳлил қилиш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни дадиллик билан кўрсатиб бериш, уларни бартараф этишга кўмаклашиш учун республиканинг барча оммавий ахборот воситалари ўз ишларини тубдан яхшилаши лозим.

Кенгашда республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди. (ЎзА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА ВА ТАТЬЯНА КАРИМОВА ХОНИМГА

Бизнинг оиламиз, Сизга, яқин кишиларингизга, дўстларингиз ва севикли одамларингизнинг ҳарорати билан йўғрилган байрамни хушнуд ўтказишингизни тилайди ҳамда яқинлашиб келаётган Янги йил билан қутлайди.

Билл КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.
Хиллари Родхэм КЛИНТОН,
АҚШ Президенти рафиқаси.

Ўзбекистонни Ҳизр назари тушган макон дейишлари бежиз эмас, албатта. Самарқанд туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси аҳли йил бўйи эл дастурхонини сархил ноз-неъматлар билан серфайз бўлишига хизмат қилаётир. Улар ана шу мақсадда 5 минг тонна олма, 1,5 минг тонна узум, 8 минг тонна помидорни қайта ишлаб савдо пештахталарига етказиб бердилар.

СУРАТДА: Адолат Назаровани томат ишлаб чиқариш цехидаги касбдошлари «чаққон қиз» дея алқашади.

Суратқаш Камолиддин ЮСУПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎТКИР ТЎХТАМУРОДОВИЧ СУЛТОНОВ

1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, электромеханика муҳандиси мутахассислиги бўйича Томск политехника институтини битирган.

1963 йилдан Томск металл қирқиш заводида иш фаолиятини электрчи сифатида бошлаган.

1964 йилдан 1985 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш устаси, лаборатория бошлиғи, бирлашган конструкторлик бюросининг бошлиғи, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш бўлимининг бошлиғи, бош муҳандис ўринбосари, бирлашма бош директорининг ўринбосари вазифаларида узлуксиз ишлаган.

1978 йилдан 1979 йилга қадар Францияда хизмат сафарида бўлган.

1985 йилдан 1991 йилга қадар «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилди.

1991 йилда ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат қўмитаси раиси, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинланди.

1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири лавозимида ишлади.

1995 йил 21 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазиридир.

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган, «Меҳнат шуҳрати» ордени ва медаллар билан мукофотланган, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвони билан тақдирланган.

Уйланган, қизи ва набираси бор.

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА МАНЗУР

Кейинги икки йил ичида Тошкент вилоятида ҳиссадорлик жамиятлари сони салкам 250 тага етди. Дастлабки пайтда бошқа мамлакатлар тажрибасига суяниб, иш олиб борилган бўлса, эндиликда бу тизимда катта ўзгаришлар рўй беришига эришилаётир. Буни биргина Чирчиқ «Трансформатор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мисолида кўриш мумкин. Жамоа чиқараётган маҳсулотлар чет эллик истеъмолчиларга ҳам манзур бўлаётир. Бу ерда маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш борасида мунтазам изланилмоқда. Жамоа аъзоларининг маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш — асосий мақсад. Масалан, кейинги йилларда 30 хонадонга мўлжалланган уй-жой биноси, 2 та дўкон, новвойхона, ошхона, пойабзал тузатиш устахонаси фойдаланишга топширилди. Болалар боғчалари, оромгоҳ, дам олиш уйи ва шифохона ишлаб турибди. Келгуси йилда бу тадбирлар кўлами янада кенгаяди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЧОРСУ»ДА «TASTE» РЕСТОРАНИ

Пойтахтимиздаги «Чорсу» меҳмонхонасида Ўзбекистон—Покистон қўшма «TASTE» (ТЭСТ) ресторани очилди. Уни Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх очар экан, шундай деди:

— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва маданий алоқалар кундан-кунга ривожланиб боряпти. Бугунга келиб 25 дан ортиқ муҳим ҳужжатлар имзоланиши ҳам ўз амалий натижасини беряпти. Шу ўринда 125 га яқин қўшма корхона ишлаб турганлиги бунинг яққол далили. «TASTE» ресторанининг очилиши ҳам дўстлик, биродарлик алоқаларимизни мустаҳкамлашда янги қадамдир.

Ресторан директори лоҳарлик Бобур Ҳоқон:— «ТЭСТ» — бу мазадор, мазали демакдир. Бунга ким ишонч ҳосил қилмоқчи бўлса, марҳамат, ресторанимизга ташриф буюриб, Покистон, Ўзбекистон ва Оврўпо миллий таомларидан тановвул қилишлари мумкин. Уларга юқори малакали Покистон ва Ўзбекистон ошпазлари, официантлар хизмат қиладилар, — деди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАВОМИЗ МУСАФФО БЎЛАДИ

«Ўзавтотранс» корпорациясида 8 минг 389 та автомобиль газ баллонлари билан ишламоқда. Бу кунига 32 минг тонна бензинни тежаш ва атрофга чиқадиган 1780 тонна заҳарли моддани камайтириш имконини берди. Дизель ёнилғисида ишловчи автомобилларни ҳам газда ишлашга ўтказиш кўзда тутилган. Шу мақсадда бундай автомобиллардан 20 таси тармоқда ишлатилмоқда.

Газ билан ишлайдиган автомобилларнинг заҳарли ис чиқариши бензинда ишлайдиганга қараганда 6—8 марта кам. Бугунги кунда сиқилган табиий газ мотор учун бензинга нисбатан экологик соф ёнилғидир.

Йўлдош МАНСУРОВ.

САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

Навбаҳор туманида барча қулайликларга эга бўлган марказий касалхона ишга туширилди. Янги поликлиника, болалар шифохонасидан кейин фойдаланишга туширилган бу марказий шифо маркази 150 ўринга эга. Барча тиббиёт бўлимлари мавжуд. Айниқса, жарроҳлик, ички касалликлар, асаб ва юрак хасталиги бўлимлари асосан хорижда ишланган мукаммал асбоб-ускуналарга эга. Уларда малакали шифокорлар ишлайди.

Шунингдек, янги марказда замонавий ташҳис қўйиш бўлими ҳам иш бошлади. Бўлим Япония ва Жанубий Кореяда ишланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Замонавий касалхонанинг ишга туширилиши навбаҳорликларга янги йил совғаси бўлди, — дейди туман марказий касалхонасининг бош ҳакими Б. Раҳмонов. — Шуниси қувончлики, эндиликда биз энг мураккаб жарроҳлик ишларини Самарқанд ёки Тошкентда эмас, ўзимизда амалга ошираверамиз.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мухбиримиз боғ уради

ВАЪДА ЯХШИ, ЛЕКИН АМАЛИЙ ИШГА ҚАЧОН ЎТИЛАДИ?

Иброҳим Каримов номли жамоа хўжалиги Сирдарё туманида пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарган уч хўжаликнинг бири. Тўғри, баъзи ободончилик ишлари амалга оширилаётир. Жумладан, хўжалик қишлоқларини газлаштириш ишлари қайтадан бошлаб юборилди.

Жамоа хўжалиғи ҳудудида тўртта йирик қишлоқ бўлиб, уларда уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўриниб турибдики, хўжалик-тумандаги йирик жамоа. Бу ерда деярли барча қишлоқлар ичимлик суви билан таъминланган.

Хўш, жамоа қишлоқларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш аҳволи қандай?

Маълум бўлишича, хўжалик маркази, яъни Турон фуқаролар йиғини оқсоқоллар Кенгаши раиси идораси олдида ягона сартарошхона бор экан.

— Этикдўзлик устахонасичи?

— Бор, — дейишди раҳбарлардан бири, — фақат устахонани этикдўз ўз уйида очиб олган.

Биз бу гапга ишониб, фуқаролар кенгаши раиси Анорбой Боймуродов билан биргаликда этикдўз устанинг уйига йўл олдик.

— Мен этикдўз эмасман, — деди Суннат Эгамов, — учинчи бригадада колхозчи бўлиб ишлайман. Бу касбни акамга ёрдам бериб, ўрганиб олган эдим. Илтимос билан келганларга йўқ дея олмайман. Уйда устахонам ҳам йўқ...

Бундан беш-олти йилча муқаддам хўжалик марказида дурустгина маиший хизмат кўрсатиш уйи бор эди. У ерда ўнга яқин малакали этикдўзлар бўлиб, улар эски чориқларни таъмирлабгина қолмай, турли пойабзаллар ҳам тикишар эдилар. Бу ерда аҳолига хизмат турларининг бошқа турлари ҳам мавжуд эди. Тоштемир ва Суннат Эгамовлар ана шу усталарга шогирд тушиб, этикдўзлик касбини эгаллаб олишган эди. Суннатнинг акаси Тоштемир бу соҳада анча жон куйдирди. Усталар кетиб қолишганидан сўнг бу соҳани сақлаб қолишга уринди. Лекин ёлғизлик қилди. Чунки уни қўллайдиган идора ҳам, масъул раҳбарлар ҳам топилмади. Охири, у ҳам тижоратга ўтиб кетди. Шундай қилиб, қишлоқдаги сўнгги этикдўзлик дўкончаси ҳам ёпилди ҳисоб. Эндиликда эса юқорида айтиб ўтганимиздай, деярли 3 минг кишилик одам яшайдиган хўжаликда биргина сартарошхонадан бошқа маиший хизматнинг ҳеч қандай тури қолмади, дейиш мумкин.

Бундай вазият биргина Иброҳим Каримов номли жамоа хўжалиги эмас, балки Сирдарё туманидаги деярли кўпгина хўжаликлар учун ҳам хосдир. Бугунги кунга келиб Сирдарё туманида ҳам, вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам қишлоқ аҳлига маиший хизмат кўрсатиш ишлари деярли эгасиз қолган. Хўш, нега? Мутасадди раҳбарларнинг баъзилари буни асосан мазкур тармоқ шаҳобчаларини хусусийлаштириш жараёни билан боғламоқдалар. Олдинги вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари ўрнида бундан икки йил муқаддам пайдо бўлган «Хизмат» ҳиссадорлик жамияти ҳақиқатан ҳам ўзини йўқотиб қўйди, ҳозирги давр оқимидан четга чиқиб қолди. Бу даврда шаҳарлардаги маиший хизмат шаҳобчаларида маълум даражада жонланиш сезилган бўлса-да, лекин қишлоқлардаги хизмат деярли барбод бўлди.

Хўжасизлик, бу соҳага эътиборсизлик оқибатида шундай вазият юзага келдики, қишлоқ аҳли энг оддий нарса — чориғини таъмирлаш, суратга тушиш, радио, телевизор тузатиш, баъзи ҳолларда эса ҳатто соч-соқол олдириш учун ҳам олис йўл юриб, қийналиб шаҳарларга келиб-кетишга мажбур бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил октябрь ойида қабул қилган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини барқарорлаштириш ҳақидаги қарори айни муддао бўлганди. Бу қарорга асосан вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда янги ташкилотлар тузилмоқда. Вилоятларда эски ҳиссадорлик жамиятлари негизида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси тузилди.

Хўш, янги ташкилотларнинг ишини эплай олмаган эски ташкилотлардан қандай фарқи бўлади?

Вилоят уюшмаси раисининг ўринбосари Абдугаффор Иброҳимовнинг таъкидлашича, янги ташкилот ўзининг қатор афзалликларига эга бўлади. Хусусан, уюшмалар ўз аъзоларини бозордагига нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилади. Ассоциациялар маиший хизмат ходимларига ўз шаҳобчаларида ишлаш ҳуқуқларини берувчи гувоҳномалар беради ва улардан тўловларни қабул қилади. Уюшма раҳбарларининг таъкидлашларича, ана шу ва бошқа баъзи тадбирлар янги тузилаётган вилоят ҳамда шаҳар, туман идоралари билан хусусий мулк эгалари бўлган маиший хизмат ходимлари ўртасида маълум алоқаларни ўрнатиш, бу соҳа ривожланиши йўлида ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Сўнгги икки йил мобайнида вилоятдаги маиший хизмат шаҳобчалари юзтага кўпайиб, уларнинг умумий сони 600 тага яқинлашиб қолди. Ана шу корхона ва шаҳобчаларда аҳолига 26 турдаги маиший хизмат кўрсатилаётир. Хўш, бу озми ёки кўпми? Афсуски, вилоятда ҳозир буни ҳеч ким аниқ айтиб бера олмади. Чунки сўнгги йилларда маиший хизмат тармоқлари эътиборсиз қолган. Солиқ идораларининг тушум олиб турганлари инобатга олинмаса, бирорта нуфузлироқ идора улар фаолияти, ташвиш ва истаклари билан шуғулланаётгани йўқ. Оқибатда шаҳардагилар ўз тирикчиликларини бир нав ўтказиб турган бўлсаларда, қишлоқдаги маиший хизмат шаҳобчалари аста-секин тугаб бораётир. Ваҳоланки, вилоят аҳолисининг 70 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Хўш, шундай экан, қишлоқ жойларида маиший хизмат тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантириш учун биринчи галда ким жавобгар бўлиши керак? Бизнинг бу саволимизга вилоят аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раҳбарлари: «Биз масъулмиз. Ҳозир шаҳар ва туманларда ана шу янги ташкилотларни оёққа турғазиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётир» дея жавоб беришди.

Ваъдалар яхши, албатта. Лекин қачон қуруқ гаплардан амалий ишга ўтилади?

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иш билганга минг танга

ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

Катта йўл устидаги Шўрчи ипакчилик идорасининг одмигина темир дарвозаси ўрнига чиройли ғиштдан ҳашаматли дарвоза қурилди. Кунгираси-ю пештоқлари, қанотлари-ю йўлаклари билан.

Идоранинг дарвозаси эмас, номи ҳам ўзгарди. Энди у пилла тайёрлаш ва уни қайта ишлаш корхонаси деб юритила бошланди. Корхона директори Туро Хўжагелдиевнинг: «Биз яқин ўртада вилоятда етиштирилаётган пилланинг ҳаммасини қайта ишлайдиган бўламиз. Атлас тўқиймиз, атласдан кийимбош тикамиз. Тўқув-тикув цехи учун умумий фойдаланиш сатҳи чорак гектар келадиган бинони тайёрлаб қўйдик», — деган гапларига ҳам бир-икки қовун пишиғи ўтди. Хўш, Хўжагелдиев ваъдасининг устидан чиқдими? Корхонада нима силжиш-у нима янгиликлар бор?

Ўша сатҳи чорак гектарлик бинонинг биринчи қаватига элликтача АТИ-150 мато тўқиш машиналари олиб келиб ўрнатилди. Аммо машиналар билан оддий мато — бўз тўқиляпти. Шойи ёки атлас тўқисалар бўларди-ку. Лекин ипакни йигиришни ҳали тўла изга туширолганлари йўқ. Чунки буғ етказиб берадиган дошқозонни монтаж қилиш чўзилаётгани бу ишга ҳалақит бераётган экан...

Аммо цехнинг иккинчи қаватидаги машиналар диққатни тортади. Украинанинг Черновонци енгил машинасозлик бирлашмаси жамоаси Шўрчига ПА-8/33 қўлқоп тўқийдиган ва ёрлиғида «Кругловязальний однофонторный» деб ёзилган машиналар билан икки муҳандисини ҳам юборди. Бир ой чин кўнгилдан ишладилар. Машиналарни ўрнатиб, ёшларга ундан фойдаланиш сирларини ўргатдилар. Айниқса, «Кругловязальний» деган машинада тўқилаётган мато кўнгилга ўтирди. Майин, мустаҳкам. Спортбоп кийим-кечак тикишга қайим. Зукко ишбилармонлар шу матога харидор бўлиб, ҳозирдан буюртма устига буюртма беришяпти. Хўжагелдиев бўлса матони чет бозорга чиқармоқ учун ҳозир экспорт ёрлиғини тайёрламоқда. Бу машиналардан корхонага ҳозирча 2 дона келтирилган. Червонциликлар яна 20 дона шу хилдаги машинани ваъда қилишмоқда. Матога гул босишни ҳам ўрганиб олсалар борми...

ПА-8/33 машинаси бўлса дастур билан ишлайди. Масалан, қўлқоп тикиш дастурига йўналтирсангиз — қўлқоп, кўйлак ёки жемпер дастурига белгиласангиз, кўйлак-жемпер тикиб беради. Ҳа, ипдан мато тўқиб, ўзи тикади. Чевар қизлар ҳозир бу машиналарни кўз юмиб ишлатишадиган бўлишган. Хўжагелдиев идорани фабрикага айлантирамиз, деган пайтда бундан уч-тўрт йил бурун ҳам бу ерда ишлаб чиқариш бор эди. Бойсундан келган Соиббобо деган одам оддий дастгоҳда саллалик мато тўқирди. Бобо қўшиқ айтиб ишларди. Овози бутун идора ҳовлисида эшитилиб турарди.

Бугун бўлса, бу ерда машиналар овозини ютадиган мосламалар ўрнатиш заруратми, ҳа, зарурати туғилмоқда. Ахир, яқин ўртада яна юзтача машинани ишга тушириш нияти бор. Росмана фабрика деса дегулик жойга айланади.

Қарабсизки, фойда кетидан фойда. Ҳунардан ризқ унар, деб шунга айтадиларда!

Олимжон УСАНОВ,
Сурхондарё.

Ўзбекистон ХДП вилоятлар Кенгашлари пленумларида

ОБРЎ АМАЛИЙ ИШЛАРГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши X пленуми Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилар экан, иқтисодий ислоҳотлар талаблари амалийлигини таъминлаш кўламларини кенгайтириш, уни ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишига айлантириш борасида ташвиқот-тарғибот турли шаклларидан унумли фойдаланиш, раҳбар кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш сингари долзарб масалаларни ўртага ташлади. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов маърузасида партия ташкилотлари томонидан эришилган ютуқларни холисона баҳолаш, айни пайтда, эскича фикрлаш, эскича иш услубларига, фаолиятсизликка, боқимандалик кайфиятига, хато ва камчиликларга бефарқ қараш ҳолларига узил-кесил барҳам бериш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Пленумда шундай далиллар келтирилди: вилоят ишлаб чиқариш имкониятлари, кадрлар салоҳияти жиҳатидан мамлакатда олдинги ўринлардан бирида туради. Бу — жорий йилда халқ хўжалиги турли тармоқларида сезиларли силжишга эришиш учун асос бўлди. Чунончи, қишлоққа саноатнинг кириб бориши кучайди, хўжаликни бошқаришнинг янги усуллари қанот ёзяпти, савдо, маданий-маиший хизмат тармоқлари кенгаймоқда. Ёрдамга муҳтож кишилар ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор бериляпти. Қурилиш ва ободонлаштиришда силжишлар бор. Пахтакорлар кейинги уч йил мобайнида биринчи марта пахта сотиш режасини адо этдилар. Ғалла ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида муайян ишлар қилинмоқда.

Буларнинг ҳаммасида 32 мингдан кўпроқ ХДП аъзосини бирлаштирган вилоят партия ташкилотининг ҳам муносиб улуши бор. Лекин, бу хотиржамликка асос бўлолмайди. Бугун биз ўз фаолиятимизни, юртбошимиз нутқларидан келиб чиққан ҳолда, танқидий таҳлил қилишимиз лозим, дейилди пленумда. Чунки, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги камчиликларнинг кўпи бизда ҳам бор. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги паст. Мева-сабзавот, полиз, картошка етиштиришга эътибор сусайиб кетди. Чорвачилик ҳамон оқсамоқда. Натижада, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ўтган йиллардагидан камайди. Чет эл сармояларини жалб этиш ва қўшма корхоналар тузиш имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Гарчанд саноат корхоналари кўрсаткичларида бирмунча ўсиш кузатилган бўлсада, лекин 278 корхонадан 125 тасида ишлаб чиқариш суръати паст. Айрим маҳсулотлар сотилмасдан, омборларда туриб қолмоқда. Хўш, ана шу кўнгилсизликларнинг олдини олиш мумкинмиди? Агар, шаҳар, туман партия кенгашлари ҳокимликлар билан яқин ҳамкорликда ишлаганларида, бинобарин, Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этганларида эди, вазиятни ўнглаб олиш мумкин бўларди. Бунинг устига, кўпгина тармоқлар партиявий таъсир доирасидан четда қолмоқда. Масалан, халқ таълими тизимидаги ислоҳотларни қониқарли, деб бўлмайди. Мактабларда аниқ фанлар ўқитувчилари етишмайди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника аҳволи ташвишли. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қониқарсиз ташкил этилган. Кейинги йилларда касаба уюшмаларига қарашли 42 та клуб барҳам топди. Салкам 300 нафар маданият ходими қисқартирилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш талабларидан орқада. Ана шу камчилик ва нуқсонлар ХДП вилоят ташкилотларини нега ташвишга солмаяпти? Бу соҳалар раҳбарларининг аксарияти партиямиз аъзолари-ку! Ўз номимиз билан халқ партияси эканмиз, ХДП аъзоси бўлган биронта раҳбарнинг салбий ҳолатларга томошабин сифатида қараб туришга ҳаққи йўқ.

Вилоят партия ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар ўтган йилги сайловлар натижаларида яққол билинди. Бу ерда Олий Мажлисдаги 27 ўриндан 5 та, вилоят Кенгашидаги 54 ўриндан атиги 12 тасига партиямиз вакиллари ўтган бўлса, республика парламенти ва вилоят Кенгашига Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Паркент, Янгийўл туманларидан ХДП рўйхати бўйича биронта ҳам номзод сайланмаса, шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларидан олти нафари ўз маҳаллий кенгашлари депутати мақомини ололмаса, уларнинг сайловолди сиёсий-ташкилий, тарғибий-ташвиқий ишлари яхши ташкил этилган эди, деб бўладими?

Мана шундай катта қийинчиликлар билан партиямиздан сайланган депутатлар фаолиятини йўналтириш, уларга ўз сайловолди дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Вилоят ва бир қатор туман, шаҳар партия кенгашларида халқ депутатлари билан ишлашнинг аниқ режаси йўқ, фуқароларни қабул қилиш йўлга қўйилмаган. Кейинги икки йил ичида вилоят партия кенгаши ижроия бюросида ХДП аъзоси бўлган биронта раҳбар, партиямиз рўйхати бўйича сайланган биронта депутатнинг ҳисоботи эшитилмаган. Депутатларимиз партияга таяниб, ундан мадад олиб, фаолият кўрсатишлари керак-ку! Бу ҳақда ким қайғуради?

Маълумки, партиямизнинг қуйи бўғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Пойтахт вилоятида улар, асосан, талабчанлик, масъулиятни идрок этиш, масалага тўғри ёндашиш руҳида ўтаётганига қарамасдан, расмиятчилик учун ўтказилаётганлари ҳам йўқ эмас. Бунга вилоят партия кенгашининг олдиндан бу ишга доир аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқмаганлиги, ижроия бюро аъзоларининг маҳаллий партия ташкилотларига ёрдам кўрсатиши учун биркитилмаганлиги сабабдир. Айрим жойларда эса бу муҳим сиёсий тадбир ўзибўларчиликка ташлаб қўйилди. Масалан, Ўрта Чирчиқ туман партия кенгаши ҳисобот-сайлов мавсумини ўтказишга оид режаларни тайёрламади, баъзи бошланғич партия ташкилотлари котиблари эса, бу тадбирдан, ҳатто, буткул бехабар қолганлар?!

Партиявий интизомни мустаҳкамлаш, қарорлар ижросини назорат қилиш соҳасида ҳам нуқсонлар йўқ эмас. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми барча даражадаги партия кенгашлари олдига ҳудудий ташкилотларни тузиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш вазифасини қўйган эди. МК пленумининг мазкур кўрсатмаси, афсуски, вилоят партия ташкилотларида қониқарли бажарилмаяпти. Орадан бир йил ўтса-да, бу ерда ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари атиги 13 тага кўпайди. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг учдан бир қисми, Андижон вилоятида 56 фоизи, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида учдан икки қисми ҳудудий ташкилотлар ҳисобида турганда, бу кўрсаткич Тошкент вилоятида 17 фоиздан ҳам камлигига нима дейиш керак? Ёки Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг партиямиз марказий матбуот нашрларига 1996 йил учун обунани ташкил этиш ҳақидаги қарори ижросини олайлик. Котибият ўзининг 30 ноябрдаги мажлисида бу ишнинг Тошкент вилоятида ҳам бажарилиши ўта қониқарсиз бораётганлигини кўрсатиб, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котибларидан ахволни ўнглаб олишни талаб қилди. Аммо, бундан кейин ҳам жиддий силжиш сезилмади.

Аъзолик бадалларини тўплаш масаласида Ўзбекистон ХДП Низоми талабларидан чекиниш ҳоллари мавжуд. Бу — партия интизомини бўшаштириб юборишга бирга, ташкилотларимизнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳанузгача боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётган бир қатор шаҳар ва туман партия ташкилотларининг етакчилари хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини жиддий йўлга қўйиш ўрнига, марказдан моддий ёрдам кутиб юрибдилар. Шу туфайли Чирчиқ, Оҳангарон, Янгиобод шаҳар, Бўстонлиқ, Бўка, Паркент, Янгийўл туман кенгашлари оғир молиявий аҳволга тушиб қолдилар.

Пленумда, шунингдек, турли даражадаги партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ХДП обрў-эътибори учун курашиш, унинг сафларини янгича дунёқарашли, ғайратли, тадбиркор ёшлар билан тўлдириш, меҳнаткашлар қундалик турмушига чуқурроқ кириб бориш, улар билан ҳамнафас, ҳамдард бўлиш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

— Партияга амал учун ёки бошқа имтиёзларни кўзлаб эмас, балки кўпчилик манфаати йўлида хизмат қилишни мақсад қилиб кириш керак, — деди Қибрай тумани фахрийлар кенгаши раиси Ж. Хоназаров.

Музокараларда сўзга чиққан Бўстонлиқ тумани ва Янгийўл шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари Р. Маҳаматов, М. Исмоилова, Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими мудири В. Себельдина, Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби А. Цой, Тошкент тумани ҳокими муовини Р. Шерматовлар ҳам партия аъзоларининг ислоҳотлар давридаги бурчи ва ҳозирги долзарб вазифалари ҳақида куйиниб гапирдилар.

Анжуманда маҳаллий партия ташкилотлари фаолияти, ишларининг самарадорлиги, уларнинг одамлар ўртасидаги обрўси, кўп жиҳатдан, улардаги етакчиларнинг ҳокимлар, жойлардаги бошқа раҳбарлар билан муносабатига боғлиқлигига алоҳида урғу берилди. Тошкент вилоятида ҳам ушбу масалада ўзига хос қийинчиликларга дуч келинган пайтлар бўлди. Ташкилотларимизнинг, дейилди пленумда, ҳокимликлар билан ўзаро муносабатларида партиядошлик, биродарлик, манфаатлар муштараклигининг юксак даражада англашга асосланган, халқимизнинг инсоний ахлоқ-одоб борасидаги олижаноб фазилатлари ҳукмрон бўлмоғи лозим. Бугунги кунда сиёсий партияга муносабат, бу — барча даражадаги раҳбарлар сиёсий етуклигининг мезони, ҳаётимизнинг конституцион, қонуний меъёрларига муносабат масаласидир.

Пленумда кўпроқ, вилоят партия ташкилотлари ва раҳбарларининг фаолиятидаги камчиликлар ҳамда уларни тезроқ бартараф этиш йўллари тўғрисида гапирилди. Унда Президентимиз И. А. Каримовнинг Самарқанд ва Қаршидаги нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар пойтахт вилоят партия ташкилотларининг бундан кейинги фаолияти учун дастуриламал эканлиги таъкидланди. Буларни бажариш учун эса, мамлакатимизда нуфузли ўрни, ўзига хос мавқеи, жиддий салоҳияти бўлган Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларида куч ва имкониятлар, иймонли, эътиқодли, ислоҳотлар йўлига содиқ кишилар бор. Вазифа — уларни тўла ишга солиш, ўртамиёначиликдан тезроқ қутулиб, пешқадамлар қаторидан жой олиш учун астойдил ҳаракат қилишдан иборат.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов пленумда нутқ сўзлади.

Пленум ишида Тошкент вилояти ҳокими ўринбосарлари Ҳ. Аҳмедов, Д. Жаҳонгирова иштирок этдилар.

А. МАННОПОВ,
Э. ХЎЖАЕВ.

ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят Кенгашининг XI пленумида Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари атрофлича муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан вилоят партия кенгаши биринчи котиби Т. Исмоилов маъруза қилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқлари, таъкидлади у, эришилаётган муайян ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмай, ўртимизнинг эртаси ҳақида ўйлаш, қайғуриш руҳи билан чуқур суғорилгандир. Хотиржамлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Юксак мақсадлар сари муттасил интилиш, янгиликлардан қўрқмаслик, ҳар жойда ташаббус кўрсатиш ва оғир дамларда жавобгарликни елкага ола билиш — мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, энг аввало, раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кишилар учун ҳаётий мезонга айланмоғи лозим.

Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги юртбошимиз кўрсатиб ўтган жиддий хато ва камчиликлар сингари нуқсонлардан Сирдарё вилояти ҳам мустасно эмас. Иқтисодий ислоҳотларнинг тақдири учун жавобгар бўлган раҳбарларнинг кўпчилиги ХДП аъзоси эканлиги ҳисобга олинса, биздан—мамлакатимиздаги йирик сиёсий партия аъзоларидан, жамиятимизда рўй бераётган барча ишларга бевосита дахлдорликни ҳис этмоқ, халқимиз турмуши учун нақадар масъул эканлигимизни янада кўпроқ англаб етиш талаб қилинади, деб уқтирилди пленумда.

Вилоят партия ташкилоти чорвачилик ва пиллачиликка оталиқ қилишни ўз зиммасига олган. Бироқ, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган жамоалар, фермер хўжаликлари ҳамда фермерларга яқиндан ёрдам бериш борасида барча туманларда ҳам кўнгилдагидек иш олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Жумладан, хусусийлаштирилаётган чорвачилик жамоаларида маҳсулот етиштиришнинг пасайиб кетаётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Тегишли идоралар, ташкилотлар томонидан вақтида қўллаб-қувватланмаётгани, зарур шароитлар яратиб берилмагани туфайли вилоят бўйича 94 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатди. Мазкур камчиликларнинг юзага келиши учун бошқалар қатори тегишли партия ташкилотлари ҳам масъулиятни ўз зиммаларидан соқит қила олмайдилар.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар ва Боёвут тумани кенгашларининг биринчи котиблари: Қ. Юсупалиев, Д. Ғозибеков, Янгиер шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Б. Зажицкий, Сирдарё туманидаги «Синдоробод» хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби М. Товбаев ва бошқалар мавжуд камчиликларни бартараф этишда жойлардаги партия ташкилотларининг ҳокимликлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари муҳимлиги, партия ташкилотларининг кичик корхоналарни ташкил этиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ўтиш даври қийинчиликларини енгиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш масалаларини ҳал этишдаги ўрни ва иштирокини кучайтириш зарурлиги хусусида сўз юритдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда топширилган иш учун партия аъзоларига нисбатан талабчанликни ошириш, партиямиздан сайланган халқ депутатларининг фаолиятига алоҳида эътибор бериш каби масалалар, долзарб вазифа сифатида, қўйилди.

Пленумда Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари С. Усмонов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири М. Ельшов нутқ сўзладилар.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТДА: Қувадаги нефть маҳсулотлари билан таъминлаш базаси.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Табиат ва инсон

ГУЛ ВА ҚУШЛАР БАЙРАМИ

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Урганчдаги 16-ўрта мактабда ёшларда табиатга меҳр уйғотиш ва уни муҳофаза қилиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Ўқувчилар кучи билан иссиқхона, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зали ҳамда мевали боғ барпо этилган. Боғда ўқувчилар ўзлари меҳнат қилиб, 4 минг сўмдан кўпроқ даромад қилишди. Маблағ ўқувчиларни рағбатлантириш ва таълим-тарбия ишларига сарфланмоқда. Мактабда «Гул ва қушлар» байрамининг ташкил этилиши ҳам ўзига хос воқеага айланди. Бундай кечани ўтказишдан мақсад экологик вазият ва мувозанатни сақлашда яшил бойликларимиз аҳамиятини тарғиб қилишдан иборат эди. Ўқувчилар билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Ўзбекистон ва жаҳон

ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Республикамиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари фаолиятида янги бир йўналиш пайдо бўлди — хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари марказлари ва халқаро касаба уюшмалари билан дўстона муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон нуфузли Халқаро Меҳнат ташкилотига аъзо бўлиб кирди, унинг конгресси ишида қатнашди.

Касаба уюшмалар федерацияси кенгаши, аъзо ташкилотлар ҳукумат идоралари, хўжалик ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик асосида иш олиб бориб, бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина муаммоларни ҳал қилдилар, барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, касаба уюшмаларимиз ҳам қонунлар яратиш, қонун лойиҳаларини синовдан ўтказишда фаол қатнашмоқдалар.

Мамлакатимизда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қиладиган ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигига хорижда қизиқиш борлигини кўрдик. Яқинда Парижда, Монтерён Садексда бўлиб ўтган Франция Умумий Меҳнат Конфедерациясининг 45-съезди ишида қатнашганимизда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даври муаммолари ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

АҚШ, Хитой, Канада, Корея, Польша, Куба, Япония, Ангола мамлакатлари делегациялари билан бўлган расмий учрашувларда минтақада барқарорлик, миллатлараро можароларнинг олдини олиш имкони яратилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Франция касаба уюшмалари бундан роппароса бир аср муқаддам ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб оёққа турганди. Съезд ишида 2000дан зиёд делегатлар, 146 хорижий давлатларнинг вакиллари меҳмон сифатида қатнашди. Анжуманда Конфедерациянинг Бош котиби Луи Вияне ҳисобот берди. Съездда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Россия, Украина, Беларусь ва Ўзбекистон делегациялари қатнашишга муяссар бўлди. Ишлаб чиқариш корхоналарида, завод ва фабрикаларда ўтган учрашувларда меҳнаткашларнинг мамлакатимизга бўлган катта қизиқишини кўрдик.

Ҳар қандай халқаро анжуман аввало тинчлик ишига хизмат қилмоғи керак. Фаранглар юртида бўлиб ўтган унутилмас, таассуротларга бой бу учрашув ҳам меҳнаткаш инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдек олижаноб мақсадга йўналтирилган ташкилот—касаба уюшмалари кучларини жипслаштириш ва уни тинчлик, халқлар бахт-саодати ва ижтимоий тараққиёт йўлида хизмат қилдиришда муҳим қадам бўлди.

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси муовини.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

• АҚШ конгресси сенатида 1996 молиявий йилда ҳарбий мақсадларга маблағ ажратиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Унга кўра, келгуси йилда ҳарбий мақсадлар учун 265 миллиард доллар сарфлаш назарда тутилган.

x x x

• Япония ҳукумати «Аум Синрикио» мазҳабининг фаолиятини тугатиш, унинг ғояларини ташвиқот қилишни бутунлай тўхтатишга аҳд қилди. Мамлакат Бош вазири Томиити Мураяма журналистларга шу ҳақда баёнот берди. Маълумки, мазкур мазҳаб аъзолари қатор қўпорувчилик ишлари, одам ўлдириш, жумладан, Токио метросидаги машъум воқеа — заҳарли газ тарқатиш сабабчиси сифатида айбланмоқда.

x x x

• Боснияда тинчлик битимини бажариш бўйича ўтказилаётган «Ҳамжиҳатликдаги ҳаракат» тадбири муваффақиятли бошланди. Сараевода БМТнинг тинчликни сақлаш қўшинлари ўз ваколатини НАТО кучларига расмий равишда топширди. Бу ҳақда НАТОнинг Европадаги бирлашган ҳарбий кучлари олий бош қўмондони — тинчлик битимини бажариш бўйича кучлар бош қўмондони генерал Жорж Жоулван баёнот берди.

x x x

• Самара аэропортида икки нафар қуролланган курсант қўлга олинди. Улар ҳарбий ўқув юртидан учта Калашников автоматини ўғирлаб, самолётни олиб қочишни режалаштирган эдилар. 1976 йилда туғилган бўлғуси ҳарбий зобитлар қўлга олиш чоғида қуролдан фойдаланишга улгурмадилар. Улар айбларига тўла иқрор бўлди.

x x x

• Афғонистондаги «Толибон» мухолифатчилар ҳаракати вакили 3 августдан буён Қандаҳорда гаровга ушлаб турилган россиялик учувчилар яқин ўн кун ичида қўйиб юборилишини маълум қилди. «Агар Шўро босқинчилиги даврида асирга олинган афғонларнинг Россия ҳудудида ушлаб турилгани ҳақида янги маълумотлар пайдо бўлмаса россиялик учувчилар 1996 йилга қадар қўйиб юборилади» деди «Толибон» ҳаракати вакили.

СУРАТДА: Германиянинг Эрфурт шаҳри марказий кўчаларидан бири.

x x x

• Украина пойтахтида грипп касалига чалинган кишилар сони 115 мингдан ошиб кетди. Мамлакат бўйича эса бу рақам 10 миллионни ташкил этади. Тиббиёт мутахассисларининг фикрича, грипп касаллигининг бу хилда кенг тарқалиб кетиши 20 йил аввал ҳам юз берган. Ҳозирги касалликни эса «А-Йоханнесбург» деб номланган ўткир вирус тарқатаётган экан. Бироқ, шифокорлар бу борада ҳали аниқ фикрга кела олмадилар. Узоқ йиллар давомида биринчи марта аҳолининг грипп касалига қарши ёппа эмланмагани сабабли эпидемия кенг тарқалмоқда, дейишяпти айрим мутахассислар.

x x x

• 1996 йил бир секундга кечикиб келади, деб хабар тарқатди Россия вақт ва частоталар бўйича давлат хизмати вакили. Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда бир-икки йил оралиғида жаҳон вақтига шу хил тузатиш киритиб турилади. Бу ер шарининг айланиш тезлигидаги айрим кичик ўзгаришлар туфайли атом вақти билан астрономия вақти орасида юзага келадиган номувофиқликнинг олдини олади.

Шундай қилиб, 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси жаҳондаги аниқ вақтни белгиловчи барча махсус қурилмалар бир марта қўшимча бонг уради. Яъни, янги йил кириб келаётганда бир минут 60 секунддан эмас, балки, 61 секунддан иборат бўлади.

x x x

• Латвия Президенти Гунтис Улманис Россия Федерацияси Давлат думасида янги сиёсий кучларнинг юзага келиши икки қўшни мамлакат ўртасидаги мавжуд муносабатларга ҳозирча таъсир кўрсата олмаслигини таъкидлади. Латвиялик кўплаб сиёсатчилар Президентнинг фикрига тўла қўшилмоқда. Айни пайтда эса Латвияда яшаётган Россия фуқароларининг коммунистларга овоз бериши мамлакатда жиддий ташвиш уйғотди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА БАРОБАР

Утган шанба куни Польша пойтахти Варшавада Александр Квасьневский расмий равишда президентлик лавозимидаги фаолиятини бошлади. У сайловда собиқ Президент Лех Валенсадан кўпроқ овоз олиб, голиб чиққан эди.

Дарвоқе, мамлакат солиқ бошқармаси президентлик ваколатини топширган Лех Валенсанинг банк ҳисоби ва ойлик маошини «ҳисобга» олди. Бу иш собиқ давлат бошлиғининг ўз вақтида солиқ тўлашдан бош тортганлиги ҳақидаги Польшада ўтказилаётган текширув натижаларига боғлиқ бўлиб турибди. Л. Валенса яшаш жойи ҳисобланган Гданьскда маҳаллий солиқ полицияси собиқ Президент томонидан ҳеч вақт бирон бир суммада солиқ тўланганлигини топишолмади.

НИҲОЯТ, «ИЛЬИЧ ЧИРОҒИ» ҚИШЛОҚҚА КЕЛДИ

Октябрь инқилобининг 78 йиллиги арафасида Марий Элдаги Шушер қишлоғида «Ильич чироғи» илк бор порлай бошлади. Россиянинг эътибордан четда қолган бу қишлоғи аҳолиси шу йиллар давомида на телевизор кўришолди ва на бошқа бир электр энергия билан боғлиқ бўлган маиший жиҳозлардан фойдаланишолди.

Дарвоқе, қишлоқ узоқ бир Тайгада эмас, балки Килемарск тумани марказидан бор-йўғи 5 километр нарида жойлашган эди, холос. Лекин шунга қарамасдан шу пайттача Шушерга электр линияси тортилмаганди. 25 оиладан иборат қишлоқ аҳлининг қатъий талаби билан яқинда «Волгавятксельэлектростой» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 115 -механизациялашган колонна жамоаси Шушерга ҳам ниҳоят электр линияси олиб келинди.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Колумбиянинг Кали шаҳрига учиб кетаётган «Боинг- 757» авиалайнери аэропортга қунишдан олдин тоғ чўққисига урилиб портлаб кетди. Самолётдаги 164 йўловчи ва экипаж аъзосидан фақат беш кишигина тирик қолди, холос.

Мутахассислар ҳисобига кўра, бу «Боинг» типидаги самолётларнинг сунгги икки йил ичида 12 маротаба ҳалокатга учрашидир. Утган йили сентябрь ойида АҚШнинг Питсбург шаҳри яқинида «Боинг-736» йўловчи самолёти ҳалокатга учраб, ундаги 132 кишининг барчаси ҳалок бўлганди. Шу йилнинг 13 ноябрида ҳам Нигерияда «Боинг — 737» авиалайнери ҳалокатга учраганди.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИК

Жаҳон шахмат федерацияси ФИДЕнинг янги Президенти К. Илюмжинов таклиф қилган шахмат бўйича жаҳон чемпионати ўтказишнинг янги услуби лойиҳасини тасдиқлади. Унинг бош гояси «Чемпионатлар чемпион учун учун эмас, балки барча шахматчилар ва бутун шатранж олами учун» деган шиордан иборат. Янги қоида бўйича барча иштирокчилар олимпия тизими бўйича уйинлар ўтказишади. Уйинга мамлакатлар чемпионлари ва ўз зонасида юқори гроссмейстерлик рейтингига эга бўлган шахматчилар таклиф этилади.

Бундай турнир ҳар йили 20 декабрдан 10 январгача ўтказилади. ФИДЕ мукофот фондига қарийб 5 миллион доллар суммадаги маблағ беришни режалаб турибди. Биринчи тур голибларига 5 минг доллардан, финалда ютқазган иштирокчига 1 миллион, чемпионга эса 1,5 миллион доллар мукофот бериш кўзда тутилянти.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

"ПАХТА-БАНК"нинг

қадрли таъсисчилари,
акциядорлари,
ишчи-хизматчилари,
банк фаолияти бўйича
муҳтарам касбдошлар,
ҳамфикр шериклар!



Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат "ПАХТА-БАНК" Бошқаруви Сизларни *Янги – 1996 йил билан* чин қалбдан табриклайди!

Жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг бешинчи йилида Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда ҳур диёримизнинг буюк келажаги йўлидаги ишларингизда зафарлар тилаймиз.

"Пахта-Банк" Бошқаруви.

ЎЗБЕКИСТОН-БЕЛАРУСЬ

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

қўшма корхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқини, барча ҳамкорларини *Янги йил билан қутлайди.*

Бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

JOINT-STOCK COMPANY LEGIMPEX

LEGIMPEX

"ЛЕГИМПЭКС"

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти барчангизни кириб келаётган *Янги – 1996 йил билан муборакбод этади,* соғлик, омонлик ва ютуқлар тилаб қолади.

"ЛЕГИМПЭКС" ҳиссадорлик жамияти калава, газлама ва ногазлама материаллар, трикотаж буюмлари, ип газлама, ипак иплар, ипак чиқиндилари, пилла, шунингдек, ҳар қандай ўлчовдаги ва кенг турдаги кийимлар, пойабзаллар, гиламлар, чинни ва Ўзбекистон енгил саноатининг бошқа маҳсулотларини экспорт қилади, тармоқдаги барча корхоналар учун асбоб-ускуналар, хом ашё, химикатлар ҳамда эҳтиёт қисмларни импорт қилади.

Фирмамиз тақдим этаётган маҳсулотлар Дания, Англия, Америка, Италия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Венгрия ва дунёнинг бошқа мамлакатларида катта эҳтиёж билан қабул қилинмоқда.

Бизнинг ишончлилигимизга ташқи савдодаги қуйидаги ҳамкорларимиз ҳам кафолатдир: *"Ритер", "Зюльтер Рюти", "Сиба Гайги", "Байер", "Хёхст", "БАСФ", "ЦХТ-Тюбинген", "Петрокемикалз", "Граф", "Томен Корп", "Иточу", "Марубени"* ва бошқалар.

"ЛЕГИМПЭКС" ОТҲЖ пахта ва пиллани қайта ишлайдиган қўшма корхоналар ва халқ хўжалиги иншоотлари қурилишида фаол иштирок этади, соҳанинг ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш устида фаолият олиб боради.

"ЛЕГИМПЭКС" ҳиссадорлик жамияти барча қизиққан шахсларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди.

Бизга сим қоқинг, ташриф буюринг:
(3712) 39-13-48 (Қабулхона),
39-45-91 (ахборот),
39-15-88 (эксп.),
39-16-76(эксп.),
39-11-94 (имп.)

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри,
700078 Мустақиллик майдони 5.
Телекс: 116136 KOKON RU

Битирувчи курс талабалари ва дипломли шахслар учун АҚШ университетлари аспирантурасида ўқиш имкониятлари

The 1996 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program

The US Government is pleased to announce the 1996 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program which provides grants to citizens of the NIS countries. The Program is funded and supervised by the United States Information Agency, and is administered by ACCELS, IIE, IREX, and the Soros Foundation. The Fellowship offers the opportunity to pursue one or two years of graduate study in the following fields:

communications/journalism — **education administration**
library and information science — **public policy**

The Fellowship will provide financial assistance to qualified individuals from the NIS countries who lack sufficient funding to enroll in graduate programs at US institutions. Fellows may have the opportunity to seek an eight to twelve-week summer internship for practical training in the field of specialization. A number of the one-year placements for the FSA Graduate Fellowship will be non-degree professional development awards designed for individuals with a minimum of three years work experience in the field they will study in the US. Depending on the type of program and field of specialization, the other FSA Graduate Fellowships may lead to a graduate degree or certificate from a US institution.

Under the terms of the grant and the laws governing the student visa required for participation in the programs, Fellows must return to their home country immediately upon completion of the program for a period of at least two years.
Competition for the Fellowship is merit-based and open to anyone who meets the specific criteria. The complete list of eligibility requirements and selection criteria are included in the applications and are available from the advising centers and representational offices listed below. Partial criteria are listed here.

- citizen of NIS countries;
- lacking a source of funding for study in the US or access to another US-based training program;
- hold an undergraduate degree (four or five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic program in the United States in summer 1996;
- proficient in spoken and written English at the time of application; all semifinalists will be required to take TOEFL;
- able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in the field of specialization.

Applications can be obtained from one of the advising center or representational offices listed below. Deadline for application is **January 26, 1996**. Late or incomplete applications will not be considered.

ACCELS Office:
16-A Lakhuty St.,
7th Floor, Room #716
Tashkent 700015, Uzbekistan
Tel: (3712) 56-55-47

IREX Office:
88 Khurshid St., Apt.42
Tashkent, Uzbekistan
Tel: (3712) 35-21-71

ACCELS Educational Advising Center:
80 Uzbekistan St.,
1st Floor, Room #112
Tel: (3712) 45-80-56

Samarkand Branch of ACCELS:
39 Amir Temur St.,
Samarkand, Uzbekistan
Tel: (3662) 35-67-80

Nukus Branch of ACCELS:
3 Karakalpakstan St.,
2nd Floor, Nukus
742000, Karakalpakstan
Tel: (36122) 4-28-61

Namangan Branch of ACCELS:
4 Mashrab St., 4th Floor
Room #421, 422
Namangan, Uzbekistan
Tel: (36922) 6-27-50

PATENT - SERVIS
innovaciya markazi

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

- **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК**
  муҳофазага лаёқатлилигини аниқлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш.
- **МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИ**
  ишлаб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш.
- **ЛИЦЕНЗИЯЛАР МАРКЕТИНГИ**
  лицензия шартномаларини расмийлаштириш, интеллектуал мулк эгалари учун харидорларни, ҳамкорларни, инвесторларни излаш.
- **ФИРМА УСЛУБИЯТИ**
  фирма бланкалари, визиткалари, открит-калари ва бошқаларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш.
- **ПАТЕНТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ХИЗМАТЛАРИ**

Бизнинг манзил: 700047, Тошкент, Ю.Фучик кўчаси, 2-а уй. Тел. 36-03-69, 36-04-69.

PATENT - SERVIS
innovaciya markazi

Спорт

ЙЎЛЛАНМА ВА ДАЪВОГАРЛАР

Яна икки йилдан кейин Франция пойтахтида ўтказиладиган жаҳон чемпионати иштирокчилари орасида қуръа ташланди.

Ўзига хос байрамга айланган қуръа ташлаш маросимида саралаш ўйинлари иштирокчилари 172 мамлакатдан иборат экани аён бўлди. Энг кўп иштирокчилар Европа қитъасидан бўлиб 49 жамоа 9 гуруҳга бўлинган ҳолда 15 та йўлланма учун саралаш ўйинларини ўтказади. Фақат Франция терма жамоаси чемпионат ташкилотчиси сифатида саралаш ўйинларисиз финалга йўлланма олади. Жаҳон чемпионлари бўлган Бразилия футболчиларига ҳам ана шундай имконият берилади.

Оврўпа қитъасидан чемпионатнинг финалига йўлланма бериш учун аввало гуруҳ ғолиблари танланади, кейин энг яхши натижа кўрсатган иккинчи ўрин соҳибига ҳам йўлланма берилади. Иккинчи ўринни олган қолган 8 терма жамоа ўзаро учрашиб, яна тўрт йўлланма эгасини аниқлаш учун баҳслашади.

Осиё қитъаси бўйича 41 мамлакат жамоаси 10 гуруҳга бўлиниб, саралаш ўйинларини ўтказади. Гуруҳ ғолиблари қуръа ташлаш йўли билан икки гуруҳга ажралади. Ана шу гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ярим финалда баҳслашадилар. 1-3 ўринни эгаллаган жамоалар Францияга бориш имкониятига эга бўлади. Тўртинчи ўрин эгаси эса Океания гуруҳи ғолиби билан учрашувда йўлланма учун курашади.

Ўзбекистон футболчилари Осиё минтақасининг бешинчи гуруҳида Индонезия, Яман, Камбоджа футболчилари билан саралаш ўйинларини ўтказадилар. Финалга чиқиш йўлида юртдошларимизга омад тилаймиз.

ТЎРТ СОҲАНИНГ ОЛИМИ

Эҳтиром

Профессор Ёлқин Соатов ҳақида ёзиш учун, тўғрироғи, газетадаги жой камлик қиларкан. Домлани яқиндан билганлар биз-нинг ушбу мухтасаргина мақоламизни кўриб мийиғларида кулишга шошилмасинлар. Зеро, Ёлқин ака ўзлари ҳақида, айниқса матбуотда катта-катта чиқишлар қилишдан кўра мақолалар билан амалий фойда келтиришни хуш кўрадилар.

Агар у киши тўғрисида ҳамкасбларидан сўрасангиз «Фаннинг механика, зилзилашунослик, назарий геофизика ва амалий математика соҳалари тараққиётига катта ҳисса қўшган таниқли олим», деб таъриф беришади. Бу гаплар замирида катта маъно яширин. Мактабни битириб, Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетида ўқиди. Ўша пайтда пахта териш машиналарини конструкциялаш борасида «Ўзбекистон» номли тўрт қаторли пахта териш машинасининг дастлабки нусхалари яратилган эди. Ёлқин Соатовнинг диплом иши мавзуси машинадаги шпиндел ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган зўриқишларнинг таҳлили ва унинг траекторияси тенгламаларини тузиш бўлди.

Сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти назарий механика кафедрасида ишлади. 1960 йилда Москвадаги Фанлар академиясининг механика муаммолари институти аспирантурасига кириб ўқиди. Ўқиш, ўрганиш, изланиш, машаққат, интилиш йилларини бошидан кечирди. Ҳозирги кунда эса Тошкент архитектура-қурилиш институтида олий ва амалий математика кафедрасида мудир.

Домла юздан ортиқ қўлёзма ва илмий ишлар муаллифи. Энг қувончлиси, илмий ишлари ечимлари халқ хўжалиги тармоқларига тадбиқ қилиниши катта иқтисодий самаралар берди. Буларнинг аксарияти катта аҳамиятга эга бўлиб, илмий жамоатчилик эътиборини қозонган, 17 та хорижий давлатда, хусусан, АҚШ, Франция, Голландия, Япония, Олмонияда эътироф этилган. Агар у кишининг олий таълим тизимида ўқув жараёни услубий таъминоти борасидаги ишлари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши ҳақида ёзадиган бўлсак, домла 100 дан ортиқ нашр қилинган, чоп эттирган ва қўлёзма сифатида тайёрлаган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар кўрсатмаларни чоп эттирган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий техника ва ўқув юртлари учун ўзбекча 5 жилдлик «Олий математика» дарслигининг 3 жилди нашр қилиниб, ўқув жараёнига жорий қилинди.

Ёлқин аканинг бошқалар ҳавас қилса арзигулик жиҳатлари кўп. Айниқса, у киши шогирдларидан ёлчиган. Домланинг узлари ҳам буни эътироф этадилар: **«Менинг бахтим — китобларим, болаларим, набираларим ва шогирдларимдир».**

Удкан олим, меҳрибон устоз Ёлқин Соатов ҳақида кўп ёзиш мумкин. Лекин бу фидойи инсон илмий асарлари, дарсликлари орқали ўзи ҳақида кўп нарса ёзиб қўйган.

Нодир МАҲМУДОВ.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси илмғоҳнинг собиқ бўлим мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор **Фарҳод Ҳабибуллаевич МАМАДАЛИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни жамоаси «Сурхондарёавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси раиси **Акбар НОРМАТОВ**нинг фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

СЕНИНГ ХАТОИНГ МЕНИКИ ҲАМ

Ҳўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди.
(Халқ мақоли).

Биласизми, мен кўпинча илм, амалиёт ҳақида ўйлаганимда Абдураҳмон Жомийнинг бир гапини эслайман. У айтади:

Нопок бўлса ариқдаги сув
Тоза бўлмас кийим, юз бора юв.

Илм ҳам шундай. Токи, у тўғри йўлини топмаса, муродга етиб бўлмайди.

Кўплар менга «Сиз тиббиётда хатоларга йўл қўйганмисиз?» деб савол берадилар.

Умрим давомида бошимдан кечган иккита воқеани гапириб берай. Уларни сира эсдан чиқара олмайман.

Душанбеда, академик Комил Тожиев, доцент Гуфрон Тоҳиров ва ёрдамчи сифатида мен туғма юрак «пороги» бўлган ўн олти яшар қизни операция столига ётқиздик. Комил Тожиев жарроҳлик қилмоқда эди. У киши юрак «қулоғининг» тепа қисмини қисқичга олгандан кейин кесиб, унинг атрофига ипни айлантириб қўйдида, ўша ердан кўрсаткич бармоғини юрак ичига тиқиб, торайган тешикни топиб, уни кенгайтирди. Ҳаммаси жойида эди. Бир пайт бармоқни олиши билан, ип «қулоқ»дан чиқиб кетди. «Боғла» деб ҳайқирди Комил Тожиев Гуфрон Шокировичга. Аммо, у чиқиб кетган ипни боғлашга улгурмади. Бир-икки лаҳзада қон катта босимда отилди, қиз бир зумда ўлиб қолди. Хато шундан иборат эдики, қоидага кўра, ипак ип юрак «қулоғи» атрофидан чиқиб кетмаслиги учун, тикиб қўйилмоғи шарт эди. Комил Тожиев ипни тикмай, айлантириб қўйган ҳолда ҳам кўплаб операциялар қилган. Аммо, «Кўза кунда эмас, кунида синади» деган гап бор. Комил Тожиев машҳур, ажойиб шифокор. Урушда минг-минглаб операцияларни қўлдан ўтказган шундай тажрибали кишининг бу хатосини нима деб изоҳлай?

Мен буни муҳокама қилиб ўтирмайман-да, ўзимга, шогирдларимга яна бир карра эски гапни такрорлайман: шифокорнинг хато қилишга ҳаққи йўқ.

Яна бир воқеа. Бир куни доцент Зокир Поччаевич Хўжаев билан биргаликда бир беморнинг бош мия ўсмасини операция қилаётган эдик. Ниҳоят, мия ичидаги ўша ўсмани излаб топиб, олиб ташлаётган пайтимизда қутилмаган воқеа содир бўлди. Мия қон томирларида кўп ҳаво пайдо бўлиб қолди. Бемор тезда оламдан кўз юмди. Кейин, маълум бўлишича, биз операция билан машғул бўлган пайтда, ҳамшира осма укол орқали беморга керакли суюқлик юборяётган эди. Ана шу суюқлик тугаб қолганда ҳамшира бошқа иш билан машғул бўлган. Натижада қон томирига суюқлик ўрнига ҳаво ўтган.

Ҳар неки жойда хато-камчилик юз берар экан, ўша ерда бўлганларнинг барида гуноҳ бор. Мен шунинг учун ҳам ўз қўлим билан қилмаган гуноҳни ўзимники деб қарашга мажбурман. Инсон ҳаёти билан ўйнашиб бўлмайди.

Киши юрагида ҳамиша армонлар бўлади. Аммо, улар борган сари кўпайиб бормасин. Улар орзулардан чин ҳақиқатга айлансин. Айниқса, тиббиёт соҳасида. Хатоларнинг рўй беришида асл сабаб қаерда? Нима учун инсон хатоларга йўл қўяверади? Гарчи, бу алоҳида мавзу бўлса-да, мен бунга ўз муносабатимни билдириб кетишни хоҳлайман. Хатонинг туғилиши учун худди она қорнида бола вужудга келиши сингари шарт-шароит яратилган бўлади. Мен академик Комил Тожиевни оқламаган ҳолда қалбан такрор ва такрор шу саволни ўзимга ўзим бераман. «Фожиа рўй бермаслиги мумкин эдими?» «Фожиа рўй бериши муқаррар эди, фақат, бу беморда, бўлмаса, бошқа беморда». Нега? Гап шундаки, аввало ўша кезларда бутун бошли республикада юрак касаллиги бўйича операция қилувчи мутахассис бир-икки кишини ташкил қилар эди. Беморлар эса... Ҳаддан ошиқ. Шифокор жисмонан чарчайди. Яхши ҳордиқ олмаган шифокорнинг иш унуми қандай бўлиши мумкин?

Нима учун мен аллақачон ўтмишга айланган бу воқеаларни энди эслаяпман? Аслини олганда, энди эмас, аллақачондан бери... ўша воқеалар мени таъқиб этади. Эҳтимол, бир умргадир. Билмайман. Аммо бир нарсани биламан, шифокор ҳар бир хатти-ҳаракати учун ҳамиша масъул. Ночорликнинг йўриғи бошқа. Бундай пайтда яна ҳам кўп эзилиб кетасан. Бор олган илминг, тажрибанг асқотмай қолганидан аламинг келади. Лекин, ҳар беморнинг шифо топиб, шифохонани тарк этадиган кунлари, унинг соғлом чеҳраси кишига далда беради, кўнглинг ёз осмонидек чароғон бўлиб кетади.

Мирзабек ДЎСТМУРОДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Хабарингиз борми?

ЭГИЗАК ЎҒЛОНЛАР

· БИР ОИЛАДА эгизак ўғлонлар дунёга келгач, холис ниятда уларга Президентлар номи берилганди.

Аллоҳнинг иноятн билан Тўймурот, Аброр, Акбар, Облоқул каби тўртта ўғилдан кейин яна уч ўғил дунёга келганда, Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари Арслон Назаров билан Ҳанифа Турсуновалар оиласида тўй бўлиб кетганди. Уларга яхши ниятлар билан ҳамқишлоқ қариндошлар Ислом, Нурсултон, Асқар дея исм беришни ихтиёр этдилар.

Шуниси ҳам борки, эгизаклар туғилиши шов-шув қилинмади. Боиси, кичкинтойлар назоратда, тиббиёт ходимлари парваришида эди. Энди улар бир ёшга тўлиб, бемалол чопқиллай бошладилар. Илло уларни ёмон кўздан асрасин. Униб, ўсиб, халқ хизматига камарбаста бўлишларига тилакдошимиз.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

· Ошхона пичоқлари вилка ва қошиқлар билан бирга сақланса, тез ўтмасланиб қолади.

· Янги сотиб олинган алюмин идишларни ёғ солиб қиздириб, туз билан ишқалаб артсангиз, таомни қорайтирмайдиган бўлади.

· Чинни, фаянс ва шиша идишларни ювгандан кейин яхшилаб қуритиш керак. Агар бундай идишларни сочиқ билан артадиган бўлсангиз, сочиқнинг туклари ёпишиб, уни яна ифлос қилиб қўяди.

· Алюмин идишга ёпишиб қолган қора доғни сиркага ботирилган пахта билан артиб, кейин ювиб ташласангиз, топ-тоза бўлади.

· Озроқ миқдордаги сабзавотни намакобда сақласангиз сўлимайди.

· Таом куйса қозонни оловдан олиб, совуқ сувга солинг. Қозоннинг остига ёпишган куйинди қирмочни қолдириб, сўнгра овқатни бўлак идишга оласиз ва пиширишни давом эттирасиз.

· Қизиб турган сирли идишга совуқ сув ва ёғ қуйиб бўлмайди, сири кўчиб кетади.

· Пичоқни бироз сувлаб пиёз тўғрасангиз кўзингиз ачишмайди.

· Қаттиқ гўштни сиркалаб пиширсангиз юмшоқ тортади.

· Тухумни пишган-пишмаганлигини билиш учун айлантириб кўриш керак. Пишмагани 1-2 айланиб тўхтайди, пишгани эса узоқроқ айланади.

· Гўштни тўғралган пиёзга аралаштириб сопол идишга солиб қўйсангиз 2-3 кунгача бузилмайди. Гўштга туз сепиб қовурсангиз сели яхши чиқади.

· Алюминдан ясалган идиш ва асбобларни қум билан ишқаб ювиш ярамайди. Чунки, қум бу идишларни тирнаб, уларни тез кирланадиган қилиб қўяди.

ҚАЛАМ – КЕТМОНИМ ДЕРДИ

«Ўзбекистон овози»нинг собиқ мухбири, ёзувчи Рустам Раҳмон хотирасига

Ардоқларди қаламни, роттўй полвоним, дерди,
Қирқ йиллик қалин сирдош, тилсиз бийроним, дерди.

Роттўй полвон қўлида, кезиб ижод йўлида,
Қоғоз—менинг кенг далам, қалам—кетмоним, дерди.

Журналда масъул котиб, ишларди терга ботиб,
Гулласин, кулсин доим бу «Гулистон»им, дерди.

«Ўзбекистон овози» мухбиридан хўп рози.
Очерк, лавҳа, мақола—барига коним, дерди.

Радиода — «Ёшлик»да, ишлаганди ёшликда,
Мухлислар суюб дилдан, мухбир-—апдоним, дерди.

Бобомиз Бобур каби юртин севди астойдил—
«А» дан бошланар менинг, жон Андижоним, дерди.

Қишлоғи Ширмонбулоқ—қайнаган илҳомбулоқ,
Шу қишлоқда ёзилган кўп дил баёним, дерди.

«Уч оғайни паҳлавон», «Бахт ҳақида баҳс» бир ён,
«Келин»га ҳам бўлди жой китоб жавоним, дерди,

«Қишлоғимиз болалари», «Меҳр кўзда..» булар бари,
Қалбим қўри қўшилган қисса—достоним, дерди.

Мухлислар севиб дилдан, номини қўймас тилдан,
Юртга муносиб фарзанд, мумтоз инсоним, дерди,

Дилдан ифтихор ила мақтанур ҳаргиз Тўлан,
Журналист Рустам Раҳмон устоз—сарбоним, дерди.

Тўлан ҚЎЗИБОЕВ.

СИБИЗҒАЧИГА ОСОН ТУТМАНГ

Скрипка ёки камонни қўлга олган мусиқачи ғишт терувчи ёки металлургнинг меҳнатига тенг тер тўкади, дейишса биз ҳам ишонмаган бўлардик. Зеро, олимлар филармония чолғучиларига махсус мурватлар ўрнатиб, уларнинг меҳнатини ўлчашга муваффақ бўлдилар. 24 нафар турли чолғучи орасида скрипкачиники энг оғир экани маълум бўлди. Катта концерт чоғида оркестр билан маълум мусиқани ижро этаётган скрипкачининг юраги минутига 130 марта урар экан. Бу металлургия заводида маъдан эритаётган қуювчиникига тенг келади. Бунинг устига санъатсеварлар билан тўлиқ томошагоҳда ҳавонинг таркиби ўн мартагача зарарланиши мумкин экан.

ЎҚУВЧИЛАР БИРДАЙ КИЙИНСА

Ҳақиқатан ҳам собиқ шўролар даврида ўқувчилар бир хил кийинишар эди. Кейинги пайтда бунга аҳамият қилинмай қўйилди.

«Экстра-пресс» агентлиги тўплаган маълумотларга қараганда, мактаб либослари кийган болалар ўртасида тўполон, ўзаро уришиш, мактабдан ҳайдаш каби ҳолатлар камайиб, билим олиш ҳам бирмунча дурустроқ бўларкан. Ўқитувчиларнинг фикрига қараганда, айрим йигит-қизлар кийинишда пўрим бўлиб, ҳатто келин-куёвларни эслатишади. Айни пайтда ўртаҳол оилалардан чиққан болалар эса ўзлари билмаган ҳолда кайфиятлари бузилиб юради. Ундан ташқари ёшларни, айниқса, юқори синфдагиларни ўқувчими ёки бошқа касб эгаси эканини ҳам фарқлаш қийин. Умуман олганда мактаб либоси ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, бой бола ёки камбағалдан чиққан деган маъноларга барҳам берар экан.

Аломат гаплар

Суд залидан

ЖИНОЯТ ТАШКИЛОТЧИСИГА – ОЛИЙ ЖАЗО

Декабрнинг изғиринли куни. Эрталаб катта йўл ёқасида машина тўхтади. Ундан тўрт йигит тушди. Улар бир неча дақиқа ўзаро суҳбатлашишгач, илон изи сўқмоқ орқали тоққа кўтарила бошлашди. Катта йўлдан анча узоқлашиб, қуздан пана бўлишгач, йигитлардан бири ёнидаги шеригини бошқаларга сездирмасдан туртди. Иккаласи бир-бирига маъноли қараб қўйишгач, таққа тўхташди. Боя шеригини туртган йигит қўйнидан қўшотар қирқма ов милтиғини, шериги эса пичоғини чиқарди. Милтиқли йигит ёнидаги ҳамроҳини шартта отиб ташлади. Милтиқни яна биттасига тўғрилаб тепкини босди. Тўртинчи ҳамроҳ юз берган воқеани кўриб қоча бошлагани учун унга ўқ тегмай қолди. Шунда нариги йигит етиб келиб унинг қорнига пичоқ урди. Оғир ярадор бўлса-да у бор кучини тўплаб Тошкент — Самарқанд йўли томон чопди. Бироқ қирқма ов милтиғини ўқлашга улгурган қотил унга етиб олиб тепкини босди. Бу пайтда қотилнинг пичоқ билан қуролланган шериги биринчи бўлиб ўққа дуч келган йигитнинг танасига пичоқ урди. Сўнг унинг чўнтагидан тўрт миллион Россия рублини олади. Шу куни тоғда икки йигитнинг жасади қолди. Уларнинг қотиллари — уюшган жиноий гуруҳ аъзолари эса юз берган воқеа ҳақида ўз бошлиқларига ахборот бериш учун Тошкентга йўл олишди...

Биз мазкур қотиллик тафсилоти ҳақида қуйида батафсил тўхталамиз. Ҳозир эса шунга ўхшаш жиноятларнинг айрим хусусиятлари борасида баъзи бир фикрларимизни айтсак.

Эсингизда бўлса, бир пайтлар суд амалиётида жиноятни бевосита содир этган шахсларга жазо тайинланар, аммо шу содир этилган жиноятга раҳбарлик қилган, ташкилотчи бўлган кимсалар баъзан жазодан четда қолар ёки бўлмаса енгил жазо билан кифояланардилар. Натижада жиноятчилар сони камайиш ўрнига кўпайиб, янги-янгилари содир этилишига олиб келинарди. Жиноятчиликка қарши кескин, муросасиз кураш бошланиши муносабати билан бу масалага янгича ёндашиш талаб этилди. Хусусан, жазо жиноятни бевосита содир қилган шахсгагина эмас, балки жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахсларга ҳам қонун кучидан тўла фойдаланилган ҳолда тайинланадиган бўлди. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасида ўз ифодасини топган. Биз айни шу суд амалиётидан келиб чиқиб ҳукм чиқарилган икки жиноий ишга эътиборингизни тортмоқчимиз.

В. Никитин Тошкентга келгунча Қозоғистоннинг Актюбинск шаҳрида яшаган. Қуролли тўда тузиб, унга С. Кулик ва вояга етмаган Е. Федоренкони жалб қилган. Улар қатор оғир жиноятлар содир этишгач, жавобгарликдан қочишиб, Тошкентга келишади. Бир пайтлар Оренбург шаҳрида танишиб қолган Ш. Тухсановнинг таклифи билан Когон шаҳрига бориб бир ойча у ерда яшайдилар. Кейин яна Тошкентга қайтиб, Ўрикзор кўчасида, Борохов деган кишининг уйида ижарада яшайдилар. Улар бу хонадонда Россиядан келган икки ижарачи йигит — В. Киркевич ҳамда Н. Нижников билан танишадилар.

Улар кечки таом пайтида кайф қилиб ўтиришганда россиялик меҳмонлар Ўзбекистонда муйнали пўстинлар харид қилиб, сотиш учун Россияга олиб кетмоқчилигини айтишади. Ўзгалар мулкини жиноий йўл билан эгаллашга ўрганиб қолган Никитин буни эшитиб қулоғи динг бўлади. Кўнглида эса россияликларнинг пули кўп бўлиши мумкин, бир чорасини топиб, бу пулларни олиш керак, деган ёвуз ният туғилади.

— Биз муйнали пўстинларни арзон нархда сотиб оладиган жойни биламиз, — деди у ҳовлиқиб. — Истасангизлар сизларни эртага ўша жойга бошлаб борамиз.

Бу таклифнинг тагида мудҳиш режа борлигини хаёлига ҳам келтирмаган меҳмонлар бажонидил рози бўлишди.

Никитин ўша тун С. Кулик ва Ш. Тухсановларга «меҳмонлар»ни овлоқ жойга бошлаб йўқ қилишни ва пулларини олиш топшириғини беради. Куликка ўзи билан бирга Актюбинскдан олиб келган қирқма милтиқни, Тухсановга пичоқ беради. Ўзи эса Федоренко билан россияликларнинг Тошкентда қоладиган буюмларини қўлга киритмоқчи бўлади.

Кулик, Тухсанов ва икки россиялик меҳмон эртасига Тошкент — Самарқанд йўли бўйлаб сафарга чиқишади. Жиззах ва Ғаллаорол ўртасида биз юқорида кўрган фожиа юз беради.

Никитин ва унинг тўдаси аъзолари жиноий йўл билан қўлга киритилган пуллар эвазига кайф-сафо қилиб юрган пайтда Тошкентда ушланади ва дастлабки терговда ўз айбларига тўла иқрор бўладилар.

Жиззах вилоят суди Никитин, Кулик ва Федоренколарнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уларни айбдор деб топди. Никитин ва Кулик олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинди. Қотилликнинг қолган иштирокчилари турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Кўрдингизми, Никитин қотилликда бевосита иштирок этгани йўқ. Лекин у жиноятга раҳбарлик қилди. Шунинг учун ҳам бажарувчи сифатида жавобгарликка тортилди. Суд Никитинга жазо тайинлашда қонуннинг ана шу талабидан келиб чиққан.

Мана сизга яна бир мисол. Жаҳонгир Ғофуров ҳали жуда ёш. Афсуски у йигирма беш ёшга киргунга қадар қатор жиноий ишлар қилиб улгурди. 1990 йилда, яъни ўн олти ёшлик ўсмир пайтида ўғрилик билан қўлга тушган эди. Суд унинг ёшлигини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. У қилмишидан хулоса чиқариш, тўғри йўлга тушиши керак эди. Аммо букрни гўр тузатади деганларидек у ўзгалар мулкига кўз олайтиришда, бошқалар ҳисобидан яхши яшашга уринишда давом этди. Хусусан, 1993 йил 26 апрелда вояга етмаган Б. Қурбонбековни ўзининг жиноий фаолиятига жалб қилиб Тошкент шаҳар Ҳамза туманидан ВАЗ—21061 автомашинасини ўғирлаб, Чирчиқ шаҳрига олиб боришади ва бу ерда бир танишиникида машинани майда қисмларга бўлиб, номаълум шахсга сотиб юборади.

1994 йил май ойида Ғофуров Ким ва Мамадалиева деган шахслар билан жиноий тил бириктириб, Х. Исмоиловага нисбатан унинг мол-мулкини эгаллаб олиш мақсадида босқинчилик ҳужумини уюштириш режасини тузади. Исмоилованинг таниши бўлган Мамадалиева Ким билан бирга Х. Исмоилова яшайдиган уйга келишади. Х. Исмоилова уларни ичкарига киритади. Гўёки уйга харидор бўлган Ким Х. Исмоилова билан хоналарни кўздан кечира бошлайди ва Ким стул устида ётган болтани кўриб у билан Х. Исмоилованинг бошига бир неча марта уриб, уни ўлдиради. Сўнг Мамадалиева кўчага чиқиб, у ерда кутиб турган Ғофуровга киравер деб ишора қилади. Ғофуров киргач, Исмоилованинг жасадини ваннахонага олиб кириб қўйишади ва босқинчилар марҳумнинг тилла буюмларини, 750 минг сўм-купон пулини олиб чиқиб кетишади.

Содир этилган бу жиноят иштирокчилари қисқа муддатда аниқланиб, ушланди. Тергов чоғида улар қилмишларига иқрор бўлишди. Тошкент шаҳар суди бу жиноят ишини кўриб чиқиб Ғофуров билан Қимни олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилди.

Биз ҳикоя қилган ҳар икки воқеада қотилликнинг ташкилотчиси бўлган кимсалар ҳам қотилликни содир этган шахс билан бир хил жазога тортилган. Демак, жиноятга ташкилотчилик қилиб, тайёрлаб уни амалга оширишга бошқаларни йўллаш орқали ўзлари сувдан қуруқ чиқишни мўлжаллаб юрган кимсалар, қонун олдида сўзсиз жавоб берадилар. Қонуннинг қудратли ва адолатли кучи уларни қилмишига яраша жазога тортишнинг уддасидан чиқади. Бу чоралар жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Биз юқорида тўхталган жиноят ишлари судланганлар ва уларнинг ҳимоячилари шикоятлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилиб, вилоят ҳамда шаҳар судларининг ҳукмлари қонуний деб топилди. Шикоятлар эса қаноатлантирилмай қолдирилди.

Рустам АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.

Кулгудан олам яшаргай

Брежнев Кремлдаги йўлаклардан бирида кекса аёлга дуч келди.

— Мени таниялсизми, Леонид Ильич?

Мен — Надежда Константиновнаман.

— Албатта, албатта, Сизни таниялман, ўртоқ Крупская, эрингиз ўртоқ Крупскийни ҳам яхши танийман.

***

Сиёсий машғулотларда:

— Америкалик агрессорлар Совет Иттифоқининг бутун дунёдаги ички ишларига аралашишяпти...

***

Брежнев ўлими олдидан Андроповни чақирибди:

— Юра, хабаринг йўқми, ўрнимга ким ўтаркин-а?

— Мен.

— Халқ сенинг орқангдан эргашмаса нима бўлади?

— Унда сизнинг орқангиздан боради, Леонид Ильич.

***

Брежневни дафн қилиб бўлишгач Кремлга қўнғироқ бўлди:

— Алло, Сизларга Бош котиб керакми?

— Сиз тентакмисиз ўзи?

— Ҳа, ҳам тентак, ҳам қари, ҳам касалманд...

***

Савол: — Озиқ-овқат программаси бажарилгач нима бўлади?

Жавоб: — Тирик қолган аҳоли рўйхатдан ўтказилади.

Ҳусан ЭРМАТОВ тўплади.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

"МУТАХАССИС" ўқув маркази

Сизни янги йилингиз билан муборакбод этади

ҳамда ишга жойлаштириш кафолати билан қуйидаги касб-ҳунарларни ўрганиш учун **бепул ўқишга таклиф қилади:**

— ғишт терувчи;
— бўёқчи-сувоқчи;
— кошинловчи, мармарчи,
—газ-электрпайвандчи
(кундузи ва кечқурун).



Бизда ўқисангиз чиройли ҳунар ва юқори маош эгаси бўласиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Оқтепа, Лутфий кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: (3712) 78-05-15, 78-05-17, 78-57-00.

CUKURS-BIZNESS ЦУКУРС-БИЗНЕС **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, **сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.**

1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бунинг учун фақат кўнгирогингиз кифоя!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниязбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар. (3712), 34-00-98, 34-05-07.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.